تانگ یولدوزی

Тонг юлдузи

№ 11
(6483).
1992 ИЙЛ,
12 ФЕВРАЛЬ
ЧОРШАНБА
Баҳоси
5 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАРИ ВА ЎСМИРЛАРИНИНГ РЎЗНОМАСИ

РЎЗНОМА 1929 ИЙЛ, 1 АВГУСТДАН «ЛЕНИН УЧҚУНИ» НОМИ БИЛАН ЧИҚА БОШЛАГАН.

ҚОБИЛ АКАНИНГ ЎГИТИ

Қобил аканинг буваси доимо бир гапни қайтарар эдилар: «Бола ёшлигидан меҳнат қилиб ўрганмаса, катта бўлганда бахтсиз бўлади». Ўзи ҳам қондага айланиб қолган бу сўзларга амал қилиб, фарзандларини неваларини меҳнатга кўниктирар, далада, полизда, томорқада ишлашни ўргатар эдилар. Бундай бебаҳо «таълим»дан баҳраманд бўлган Қобил ака ҳам катталар қаторидан ўрин олганда қўлларидан кўп иш келадиган бўлди: у киши эккан ниҳоллар бехато кўкарадиган, кўп ва сифатли мева берадиган бўлди. Бобонинг ўгити, меҳнати ўз ширин-шакар мевасини берди.

Бугун эса Қобил ака ўзи ўрганган, қўлидан келадиган барча ишларни кейинги авлодга, ўзи таълим бераётган мактаб ўқувчиларига ўргатиб келмоқдалар. Калинин

туманн, Й. Охунбобоев номидаги мактабда катта иссиқхона бор. У ерга экилган турли-туман гуллар, кўкатларни болалар назорат қилиб, парваришлашади.

Бир неча йиллар, аввал, эса иссиқхонага лимон экилганди. Биология муаллимларининг, Қобил аканинг, шу мактабда таълим олиб кетган, ҳозирда эса шу иссиқхонада ишчи бўлиб ишлаётган Ҳусан Муҳсинов ва ўқувчиларнинг лимонларни яхши кўкариб кетишида хизматлари катта бўлди. Иссиқхона мактаб жамоаси учун яхши даромад келтирувчи кон бўлиши билан бирга Қобил аканинг буваси айтмоқчи «болаларга келажакда бахтли бўлиш» йўлларини ўргатмоқда.

СУРАТЛАРДА: меҳнат ўқитувчиси Қобил ака Қосимов ўқувчилар билан бирга лимонларнинг ўсишини кўздан кечиришяпти.

Ҳусан ака ўқувчиларнинг энг яқин кўмакчиси.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.

МУСАВВИР БЎЛАМАН

Бир куни Тошкентдаги расмлар кўргазмасини айланиб юриб ҳайбатли матоҳга чизилган картинага кўзим тушди. Бу асар мусаввир Гулчеҳра опа Ҳошимова мўйқаламига мансуб бўлиб, «Ҳаёт» деб номланаркан. Аниқ эсимда, мусаввир бўлиш орзусини шу онда қалбимга туккан эдим.

Кейинчалик Гулчеҳра опа билан учрашиб, суҳбатлашдим.

— Сизнинг асарларингизда қандай сеҳр бор? — деб сўрадим.

— Ҳеч қандай, — дедилар камтарлик қилиб, — асар мухлисларинг бойлигига айланиши учун кечган бойлигингни қайта таҳлилдан ўтказмоқ ва ўрганмоқ керак. Шундан сўнг уларнинг бугунги ўй-ташвишларини руҳан ҳис эта оласан.

Кўп ўйладим, ўйларим адоғида бир орзу турарди — мусаввир бўлиш. Шундан кейин ўтган йили очилган нафис санъат мактабига ўқишга кирдим — орзуим ушалди. Энди ниятим, Гулчеҳра опам айтмоқчи, нафис санъат сирларини чуқур эгалламоқ.

Самар ЖУРАЕВ,

Тошкент, А. Навоий номидаги жумҳурият нафис санъат мактаби.

Ўтган ойда мактабимиз бўйича меҳнат ҳафталиги эълон қилган эдик. Унда барча синф ўқувчилари фаол иштирок этишди. 25 нафар ўқувчидан иборат бизнинг синф эса шу ҳафталик давомида 1261 кг. металл чиқиндиси тўплаб топширди.

Д. БОЛТАБОЕВА,
Андижон вилояти, Булоқбоши тумани, Боймаҳалла кўчаси.

* * *

Синфимиз ўқувчилари металл-лом йиғиш операциясида фаол иштирок этиб, ҳар бир ўқувчи 50 кг. атрофида темир-терсак топширишди.

Гулноза ҚУЧҚОРОВА,
Самарқанд вилояти, Пайариқ туманидаги 6-мактаб ўқувчиси.

КИМГА МЕТАЛЛ-ЛОМ КЕРАК?

* * *

Мактабимизда ташкил этилган металлом йиғиш мусобақасида бизнинг 7-«А» синф ўқувчилари 1900 кг. темир-терсак йиғиб, ғолиб бўлишди. Мактаб дирекцияси синфимиз ўқувчиларини қўл тўпи билан мукофотлади.

Бобур МАМАСОЛИ ўғли,
Фарғона вилояти, Риштон туманидаги 34-мактаб ўқувчиси.

* * *

Яқинда мактабимизда шанбалик ўтказилди. Отрядимиз кашшофлари унда фаол иштирок этиб, 1250 кг. темир-терсак топширишди.

Феруза МАМАЖОНОВА,
Балиқчи туманидаги 19-мактаб ўқувчиси.

ОВОЗ БЕРИНГ, САНОАТЧИЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ МЕТАЛЛ ЧИҚИНДИСИ ҚАБУЛ ҚИЛИШДАН МАНФААТДОР КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ, «ЎЗВТОРЧЕРМЕТ» МУТАСАДДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жумҳуриятимизда ҳозир 4 миллиондан ошиқ ўқувчи бор. Кўпгина саноат корхоналари эса асосий хом ашё — металл етишмаслиги натижасида кам қувват билан ишламоқда. Шу вазиятда ўқувчилар эски даъват бўйича давом эттираётган, аммо ҳозир анча сустлашиб қолган «Иккиламчи хом ашё — Ватанга!» операциясини кучайтириш мақсадга мувофиқ. Шунинг учун биз барча йирик ва майда саноат корхоналари, «Узвторчермет» раҳбарларига ушбу операциянинг ҳомийси бўлишларини таклиф этамиз. Шунда болалар бажараётган фойдали ишнинг аниқ эгаси бўлади. Сиз ҳомийлик қилган бу фойдали иш унади.

Демак, сиз — ҳомийлик қиласиз. Биз эса «Тонг юлдузи» газетасининг саҳифаларида бу операцияни уюштириб, уни доимо ёритиб борамиз. Операциянинг ғолиб иштирокчилари — ўқувчилар эса ҳомий баҳоли қудрат ажратган мукофотлар билан тақдирланиб борадилар.

Ушбу фойдали таклифимиздан манфаатдор бўлган барча саноат корхоналари «Тонг юлдузи» газетасига мурожаат қилишлари мумкин.

Алоқа учун телефонлар: 33-44-25, 33-49-45.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Эстония ҳукумати бундан буён собиқ ССЖИда муомалада бўлган қимматли қоғозлардан фойдаланмасликка қарор қилди. Аҳолида бугунда бундай қимматли қоғозлардан миллион сўмга яқини бор. Энди уларни нима қилиш керак? Бу қоғозлар учун жавобгарликни Россия ўз бўйнига оладими? Худди шу савол билан Эстония ҳукумати Россияга мурожаат қилди. Ҳозирча жавоб йўқ.

* * *

Тошкентда француз маданияти ҳафталиги бошланди. Бу ҳафталикнинг ташаббускори мадам Шанталь Контендир. Мадам бу кунга қадар икки йил давомида Тошкентдаги чет тиллар институтида француз тилидан дарс берганди.

* * *

Япон фоторепортёри Ютака Сакай Ереванда ўз автомобилини атиги бир неча дақиқа назоратсиз қолдириб кетди. Аммо номаълум шахслар томонидан машинадаги қимматбаҳо буюмларни ўмариб кетиш учун шу дақиқалар кифоя қилди. «Қаёққа бораётганимни яхши билардим», — дейди Сакай қароқчилар машинани шип-шийдам қилиб кетишганини кўргач. Меҳмонга Арменпресс заҳирасидан аппаратлар, плёнка ва оптика ажратилди.

УСТОЗНИНГ БЎЛГАНИ ЯХШИ

Эбезор аканинг хонадони доимо болалар билан гавжум. Боиси ижодхонасидаги табиат манзаралари, болалар ҳаёти тасвирланган чиройли расмлар уларни жуда қизиқтиради. Бунинг устига Эбезор ака болаларнинг кетма-кет ёғилаётган саволларига эринмай жавоб беради.

Болалар орасида расм чизишга, мусаввирликка қизиқувчилар жуда кўплиги боис Эбезор ака 1-мактаб қошида «Ёш мусаввирлар» тўгарагини ташкил этди. Тўгарак аъзолари ҳозир салкам 40 йил давомида ёшларга тасвирий санъат сирларини ўргатиб келган, Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси ва рассомлар жамияти аъзоси Эбезор ака Бештиев раҳбарлиги остида чизиш санъати сирларини ўзлаштиришяпти.

Яқинда уста ўз шогирдларининг истеъдодларини синаб кўриш мақсадида кўрик-танлов ўтказди. Танловда иккинчи синфдан 11-синфгача бўлган ёш мусаввирлар иштирок этишди. Аъзамжон Нормирзаев ва Мухторбек Шамсиддинов танлов ғолиблари деб топилди.

М. ҚАМБАРОВ,
Уйчи туманидаги 1-мактаб ўқувчиси.

ҚИЗЛАР ҲАВАС ҚИЛИШАДИ

1-синфда ўқиб юрган кезларим эди. Ҳали бир-биримиз билан танишишга ҳам улгурмаганмиз. Нима бўлдию Дилдора исмли қиз билан парта талашиб, хафалашиб қолдик...

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Дилдора мактаб буфетидан сотиб олган булочкасининг тенг ярмини менга узатди. Гўёки орамиздан ҳеч қандай хафагарчилик бўлмагандек. Шу воқеа сабаб бўлдию Дилдора билан дўстлашиб олдик.

Ҳозир эса 10-синфда ўқияпмиз. Очиқ кўнгил, камтарин дугонам Дилдора билан биргамиз. Иноқлигимизга, бошқа қизлар ҳавас қилишади.

Нигора ЮНУСОВА.

ОҚИБАТ ЎЛМАСИН ЭКАН

Яқинда Самарқанд шаҳридаги 10-болалар уйида бўлдик. 11-мактабнинг мусиқа ўқитувчиси Даврон Мардонов ўз оилавий ансамбли билан кичик концерт қўйиб берди. Болалар уйининг аъзолари билан биргаликда рақсга тушдик, қўшиқлар айтдик.

Биз уларга янги йил совғаси сифатида 200 кг. қуруқ мева топширдик. Бу ширинликларни тўплашда тумандаги 28-, 7-, 33-, 53-, 5-, 45-, 61- 9-мактаблар ёрдам кўрсатишди. Болалар бизнинг совғамиздан хурсанд бўлишди.

Биз 10-болалар уйига тез-тез бориб туришни мўлжаллаб қўйдик. Кейинги режамиз «Наврўз» байрами арафасида ҳам уларни табриклаб, концертлар қўйиб келишдир.

Р. ҚИЛИЧОВ,
Каттақўрғон туман болалар ва Ўсмирлар Уюшмаси кенгаши раиси.



ФУРСАТНИ БОЙ БЕРМАНГ!

Маълумотларга қараганда, жумҳуриятимиздаги мусиқа мактаблари, ўқувчилар уйлари каби мактабдан ташқари болалар муассасаларида фарзандларимизнинг бор-йўғи 8,5 фоизи, техник ижод билан эса 1,12 фоизи шуғулланар экан, холос...

Хўш, қолганлари-чи, улар дарсдан бўш вақтларида нималар билан машғул? Кўпчилиги — асосан қишлоқ жойларида яшайдиган болалар ота-оналари билан елкама-елка тирикчилик ташвишида. Ота-оналар ҳам фарзандларининг бирор тўгаракка қатнашиб, ҳунар ўрганганидан кўра, далага чиқиб ишлашидан, мол-ҳол боқишидан ёки бир қоп ўт келтиришидан кўпроқ манфаатдордирлар. Шаҳарлик болалар эса бозор пештахталари ортида савдо қилишади ёки бўш вақтларида дўконларда сут, нон ва ҳоказолар учун узундан-узоқ навбатларда турадилар. Қисқаси, ҳозирги кунда болакайларимиз ҳам «ўзларидан ортмай» қолишган. Нима, сизнингча турли фан тўгаракларида қатнашишга, хоҳиш йўқми уларда? Бор, хоҳиш ҳам, қизиқиш ҳам бор. Лекин қишлоқ жойларида яшовчи болаларда бу имконият камроқ.

— Ўтган йили «Гулхан» ойномаси орқали кўрик-танлов эълон қилганимиздан кейин қишлоқларда яшовчи болалардан жуда кўплаб мактублар олдик, — дея фикримизни тасдиқлайди республика ёш техниклар станциясининг директори Толибжон ака Қорабоев. — Улар техник ижод билан шуғулланишга жуда қизиқишлари, аммо бунинг учун ҳеч қандай шарт-шароит йўқлиги ҳақида куюниб ёзишади. Фарзандларимиз орасида иқтидорли болалар жуда кўплаб топилади. Улар билан алоҳида шуғулланиш лозим. Бу борада академик Воҳидов раҳбарлигидаги Улуғбек фондининг ташкил қилинганлиги айни муддао бўлди. Қизиқиши ва интилиши бор ёшларни қўллаб-қувватлаб бориб, моддий рағбарлантиради. Бу эса катта иш.

Станциямизда кўплаб тўгараклар мунтазам иш олиб боради. 11 тур бўйича мусобақалар ташкил қилинади. Айни кунларда эса С. Раҳимов тумани Халқ Таълими бўлими ҳамда Техника олийгоҳи билан ҳамкорликда янги, автоматика синфи ташкил қилиш ҳаракатидамиз. Бу синфларга асосан пойтахтдаги Эски шаҳар атрофида яшовчи болаларни жалб қилмоқчимиз. Чунки бизнинг оилаларимиз фан-техника, биология соҳаларига етарлича эътибор беришмайди. Шу ўринда телевидение, ўқитувчилар ҳамда ёшлар газеталарига эътирозимиз бор. Республика миқёсида ўтказиладиган турли техник кўрик-танловларга, «Светофор» мусобақаларига уларни таклиф қиламиз. Мақсадимиз, истеъдодли ёшларимизнинг фаолиятларини, амалга ошираётган ишларини республикадаги тенгдошларига намойиш қилиш, маълум маънода уларни рағбатлантириш. Оммавий ахборотчилар эса бирор муҳимроқ ишлари чиқиб қолганини важ қилиб, келишмайди. Ахир, болалардан ҳам муҳимроқ иш бўлиши мумкинми?!

— Толибжон аканинг гапларида жон бор, — дея суҳбатимизга қўшилди станция оммавий-ташкилий ишлар бўлими мудири Сайфиддин ака Юнусхўжаев. — Мен спорт техникаси тўгарагини бошқараман. Бу соҳага қизиқувчи болалар табиийки, жуда кўп. Лекин вақтлари етишмаслигидан тўгарагимизга кўпчилиги қатнай олмайди. Авваллари техник кўргазмалар ташкил қилинар, болалар ясашган, катталиги 60 см. оғирлиги эса бор-йўғи 3 грамм келадиган тайёра моделларининг кўрик-танловлари уюштирилар эди, холос. Ҳозирга келиб бу кўрикларнинг янада жонлироқ чиқиши, болалар учун қизиқарлироқ бўлиши учун КВН лар уюштиряпмиз. Ҳар бир вилоятдан 6—7 нафар бола қатнашадиган бундай КВН ларда ўқувчилар савол-жавоблар уюштириб, назарий билимларини синаб кўришади. Бундай тадбирларни ёритиш, оммалаштириш ниятида телевидениени таклиф қилдик. Улар келишмади. Ваҳоланки, болалар жуда кутишганди...

Хоналарни кўздан кечирамиз. Кўргазма заллари, компьютерлар билан жиҳозланган ЭҲМ тўгараги. Бу тўгаракда моҳир устоз Ирина Михайловна Пак болаларга қишлоқ хўжалигини программалаштиришдан сабоқ берса, «Ёш актёрлар» тўгарагида эса 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган санъатсевар болалар Эркинжон Исомиддиновдан актёрлик маҳоратини ўргана борадилар.

Ташқаридан қараганда, ҳаммаси жойидадек. Лекин ҳамма соҳада бўлганидек станциянинг ҳам ўзига яраша муаммолари йўқ эмас. Болаларнинг ижод қилишлари учун асбоб-ускуна, хомашёлар етишмайди, ўқувчилар сони ҳам сезиларли даражада камайиб кетяпти. Катталар ҳам станция фаолиятига «панжа орасидан» қарашмоқда. Ёш актёрлар тўгараги ҳамда ЭҲМ тўгаракларидаги аъзолари асосан бошқа миллат фарзандларидан иборат. Бунга сабаб ЭҲМ тўгарагида ўзбек тилида машғулот ўтказадиган устознинг йўқлиги бўлса, ёш актёрлар тўгарагига эса кўпгина ота-оналар «сени артист қилмаймиз», дея фарзандларини юборишмас экан. Тўгаракда ҳунар ўрганган ҳар бир бола артист бўлиши шарт эмас-ку, ахир.

Ниятимиз, эртанги кунимиз эгалари бўлмиш фарзандларимиз фан, техника тўгаракларида ёшликданоқ фаол қатнашиб, оламшумул ихтиролар яратишса. Чунки, ёшликда бой берилган фурсат, жуда кўп нарсани ҳал қилади.

Феруза ЖАЛИЛОВА.



ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Мана бу ёғочларни қаранг. Уларни ҳам табиат яратган. Инсон қўллари эса озгина жило берган, холос. Табиатнинг вазмин овозини эшитаман, десангиз, шундай мўъжизаларни идрок этишга ўрганинг. Агар қушларнинг дилини тушунсангиз уларнинг чуғур-чуғурида ҳамма ҳикоя жамланган бўлади. Ёки денгизнинг даҳшатли куйини эшитиш учун соҳил бўйида бир ўзингиз хаёл суринг.

Ишонмасангиз шундай қилинг, ана унда сиз табиат тилга кирганининг гувоҳи бўласиз.

Мўъжиза! Мўъжизани инсон қўллари эмас, табиат қўллари яратса керак. Албатта-да, табиат олдида инсоннинг қўллари барибир ожизлик қилади. Бўлмаса айтинг-чи, қайси одам «рассом» табиат даражасида ўз қўллари билан дераза ичига арчазорни чиза олади? Қайси денгизнинг қайси соҳилларн одам қўли билан ажойиб тусга киради? Барибир табиатнинг истеъдодичалик эмас улар!

ҚИСҚА САТРЛАРДА

● Беруний номидаги мактабнинг 11-синф ўғил болалари жисмоний тарбия дарсини волейбол тўпини **тепиш** билан ўтказишди. Қизлар эса **томошабин** сифатида «ҳа баракалла» қилиб туришди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси бу вақтда «МактабрайОНО» марафони бўйича якка мусобақада қатнашиб, туман халқ таълими бўлимига кетганди.

Хулоса шуки, мактабда спортзал қурилиши интизорлик билан «кутилмаяпти».

● Боғдод туманидаги 17-мактабнинг бир гуруҳ қизлари болалар етакчисини билишмас эмиш. Шу пайтгача ундай одамни кўришмаган ҳам. «Катта болалар» учун етакчини танимаслик айб эмас.

● 1-мактабнинг 9-«В» синф ўқувчилари дарс ўтаётган хонадан болаларнинг кулгу овози эшитилди. Мактаб дастурига «Кулгу дарси» киритилган чоғи! Аслида математика дарсида ҳам бир марта хандон отиб кулиш зарар қилмайди. Ахир кулгу-умрни узайтиради.

● 59-мактаб ўқувчиси Рўзали китоб муқоваси устида тап тортмай математик масалаларни еча бошлади. Бунинг таърифи икки оғизгина: тоза дафтар йўқ кунларда қоралама дафтарга йўл бўлсин. Ажабмаски, «қадриятларимиз тикланиб», одамлар дарахт пўстлоғига ёза бошлашса...

ТЕНГДОШЛАРИНГ ҲАЁТИДАН

МОҲИЧЕҲРА—ШОИРА

Моҳичеҳра биринчи бор саҳнага чиққанида жуда ҳаяжонланган эди. У ўзининг шеърларини ўқиб бериши керак эди. «Эшитишмаса, қизиқишмасачи?» ичини қизитарди савол.

Эшитишди, ҳатто диққат билан. Кейин узоқ олқишлашди ҳам. Унинг жажжи, мазмундор шеърлари кўпчиликка манзур бўлгани учун ҳам мактаб, туман миқёсида ўтказиладиган тадбирларда Моҳичеҳра учун алоҳида вақт ажратиладиган бўлди.

Моҳичеҳра адабиётни жуда севади. Унинг кичик хабарлари, мақола ва шеър машқлари туман рўзномасида тез-тез босилиб туради. Унинг адабиётга қизиқиши мактаб ва туманимизда ўтказилган тил ва адабиёт бўйича фан олимпиадаларида ғолиб бўлишига имкон яратди.

Нигора РОЗИҚОВА,
Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги 12-мактабнинг 10-синф ўқувчиси.

ФРАНЦУЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАЯПМИЗ

Қайсидир рўзномада билими ўткир бўлса ҳам бирон чет эл тилини билмагани учун хорижга бориб ўқишга имкони бўлмаган ўқувчи ҳақида ўқиган эдик. Бизда хорижга бориб ўқиш истаги йўқ эмас, шунинґдек, бошқа миллат тилини билмаган киши ўз тили қадрини билмайди, деган мақолни ҳам яхши тушунамиз. Шу сабаб ҳам ўқув йили бошидан буён мактабимизда ташкил этилган француз тили тўгарагига аъзо бўлдик. Тўгаракни француз тили ўқитувчимиз Дилбархон ая Ҳайдарова бошқарадилар. Биз машғулотларда, дарсларда олган билимларни мустаҳкамлаш билан бирга шу тилдаги қўшиқларни, шеърларни ўрганамиз.

Замира УМАРОВА,
Андижон вилояти, Булоқбоши туманидаги 21-мактаб ўқувчиси.

ТАРИХНИНГ ОҚ ДОҒЛАРИ

Бухоро Аркининг ички саҳнига қўйилган шер ҳайкалчалари томошабинларни ҳамон ҳайратга солиб келади. Аммо бу шерларнинг яратувчиси кимлигини ҳамма ҳам билмайди. Абдураҳим муҳандиснинг мўъжизаси эди бу жасорат рамзлари.

Абдураҳим Турдиев 1870 йил Бухоро амирлигига қарашли Ғозғон қўрғонида туғилди. Отаси Турдимурод шайх ўз замонасининг ўқимишли кишиси бўлганлиги сабаб, ёш Абдураҳимни Бухоро мадрасасига ўқишга жойлади.

ТУГАЛЛАНМАЙ ҚОЛГАН ФАВВОРА

Мадрасани битириб, Абдураҳим «Ситораи Моҳи-Хосса» ансамбли қурилишига ишга киради. Чунки Абдураҳим сангтарошлик сирларини чуқур эгаллаган эди. Худди шу даврда у тошдан учта шер ҳайкалини ясаб, Бухоро амирига туҳфа этган.

Бухоро амири бу нодир, юксак дид билан яратилган шер ҳайкалчаларини юқори баҳолаб, уста Абдураҳимга мармардан фаввора қуришни буюради. Аммо, 1920 йиллардаги «босқинчилик сиёсати» туфайли у бошлаган қурилиш ишлари тўхтаб қолади.

1937 йил...

Ғозғонликлар уста Абдураҳимга тегишли хотираларни шундай эслайдилар:

— «Шом тушар маҳал тўртбешта одам унинг уйи олдига келишди, тақиллатишди, ҳеч шарпа кўринмагач, эшикни бузиб киришди. Ҳафта ўтиб шундай гап оғиздан-оғизга ўтиб юрди: «Абди уста Файзулла Хўжаевнинг «думи» экан. Ҳозир авахтадамиш, сўнг сургунмиш...»

Бу миш-мишлар ҳақиқат бўлиб чиқди. Уни бир умрга ўз юртидан жудо қилдилар.

Она юрт. Уста узоқ Новосибирскда чечак қуёшга интилгандай, ҳамма вақт юртига интилди, чунки у ўзининг киндик қони томган заминда тугалланмай қолиб кетган фаввораси тиклашни истарди.

Дард бир келса ботмонлаб келади, мисқоллаб чиқади, деганларидек ғозғонликлар шу тариқа устасидан ажраб қолдилар. Кетганлар қайтди. Афсус, уста Абдураҳим қайтмади, унинг ҳоки ўрус тупроғида қолди.

...Тугалланмай қолган фаввора, сиз сайқал берган Шоҳимардон гумбазлари, Аркнинг шеър ҳайкалчалари сизни илҳақ кутмоқда, уста бобо!

Яқинда Ғозғонда уста Абдураҳим Турдиевнинг 120 йиллиги кенг нишонланди. Унга бағишланган юбилей кечасида туман раҳбарлари, уруш ва меҳнат фахрийлари, қўрғон мармар кони ишчилари, у кишининг қизлари (Ҳакима опа Раҳимова) ва мактаб ўқувчилари қатнашдилар.

Кеча охирида Қўрғондаги 19-мактабга ғозғонлик биринчи уста Абдураҳим муҳандис Турдиевнинг номи берилди.

Мунис ХУДОЁРОВА,
Самарқанд вилояти, Нурота тумани, Ғозғон қўрғонидаги 19-мактаб ўқувчиси.

«ТОРИМ ҒУНЧАЛАРИ»—МЕҲМОНИМИЗ!

«Торим ғунчалари» — Хитой Халқ Республикаси, Шинжон Уйғур автоном районининг уйғур қизлида болалар учун нашр этиладиган ойномаси. Яқинда мазкур ойноманинг «Адабиёт гулзори ва чет эл болалар адабиёти» саҳифаси муҳаррири Ашур Аҳмад газетамиз меҳмони бўлди. Бир пиёла чой устида у кишининг қизиқ суҳбатини олдик.

— Мен серқуёш Ўзбекистонга ташриф буюрганимдан беҳад бахтиёрман, — деди у. — Мустақил давлат сифатида қарор топганингиз эса қувончимга қувонч қўшди, чин юракдан табриклайман. Ўзбек болалари уйғур тенгдошларининг улкан саломларини қабул этсинлар.

Энди ойномамиз хусусида. «Торим ғунчалари» бошланғич ва тўлиқсиз ўрта мактаб ўқувчилар учун мўлжалланган бўлиб, 70 минг нусхада рангли, юқори сифатли қоғозда чоп этилади. Баҳоси 50 тийин. «Донишманд Насриддин афанди», «Болалар овози» сингари саҳифалари бор. Болалардан кунига 200—300 та мактуб оламиз. Ойномамиз йилига мўмайгина даромад келтиради. Шунинг ҳисобига радио ва телевидение орқали болалар учун қизиқарли эшиттириш ва кўрсатувлар уюштирамиз. Масалан, ўтган йили мактаб ўқувчилари билан биргаликда теле экранда 28 та саҳна асарини қўйдик. Барча сарф-ҳаражатларни ўзимиз қопладик. Ҳар бир саҳна асарини намойиш этиш вақтида йирик саноат корхоналари бизга ҳомийлик қилдилар.

Илм масканларида ўқувчиларимизнинг таълим-тарбия олишлари ўзига хосдир. Бошланғич (1—6-синфлар), тўлиқсиз ўрта (7-, 8-, 9-синфлар), тўлиқ ўрта (10-, 11-, 12-синфлар) мактаблари мавжуд бўлиб, улар алоҳида-алоҳида фаолият кўрсатишади. 9-синфгача мажбурий таълимдир. Ундан кейин ўқувчи ўз хоҳиши билан ишчи, ҳунармандлик, шофёрлик каби касбларни эгаллаб, ишлаши мумкин.

Ҳар ўқув йилининг бошида ота-оналар фарзандларининг китоб-дафтари, газета-журналлари учун мактабга 25 сўм пул ажратадилар. Шунингдек, 1 сўм тўлаб, болаларини бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилдиртирадилар.

Дарслар эрталаб соат етти яримдан кеч олти яримгача давом этади. Болалар кун давомида белгиланган вақтда бир соатдан икки соат қизиққан тўгаракларида шуғулланадилар. Уларга қўйиладиган баҳолар ҳам ўзгача. Сизлардаги уч баҳо бизда 60, тўрт — 80, беш — 100. Ўқувчи, ҳатто 99 баҳо ҳам олиши мумкин. Агар имтиҳонда омади юришолмай 59 олиб қолса, синфдан синфга ўтмайди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандининг фанлар бўйича топшириқ дафтарини текшириб, қўл қўйиб боради.

Мактабларимизда ягона ўқув формаси жорий этилмаган. Болалар озода, эркин кийинадилар.

Сизларда инқирозга юз тутган Коммунистик партия, комсомол, пионер ташкилотлари бизда ўз мавқеини йўқотмаган. Биз уларнинг яшовчанлигига, ҳақ йўлига ишонамиз.

Ашур Аҳмад болалар учун ҳикоялар ҳам ёзар экан. Унинг «Гулсуруҳ», «Мен ўқийман» каби насрий тўпламлари ҳамда 30 дан ортиқ ҳикоялари турли вақтли нашрларда чоп этилган.

Қуйида унинг «Кўчада қолган бола» номли ҳикоясини ўқийсиз.

бир-бирига гал бермай бобо «бошини қотиришлари» Мурод отага ҳузур бағишлайди.

Пойафзал фабрикасида 40 йилдан зиёд меҳнат қилган Мурод бобо, қарилик пенсиясига чиққандан кейин ҳам қўл қовуштириб ўтирмади. Иқтисодий қийинчиликлар бўлаётган ҳозирги шароитда фарзандларига ёрдам беришга аҳд қилди. Қўй, товуқ боқиб, полиз маҳсулотлари етиштирди, гулчилик билан шуғулланди. Бу юмушларни бажаришда эса набиралари дастёри-беминнат.

Суратда: — Кўрсатганига шукур! — дея шукрона қилади Мурод бобо набиралари бошини силаб.

ШУКРОНА ҚИЛАДИ

— Жаҳонгир, қўйларингга ем бергин, — дея набираларини чорлайди Мурод бобо. — Дилноза қизим, сен товуқларингга дон бергин. Ёшлигиданоқ жониворларга меҳр қўйган Мурод бобо набираларининг ўз вазифаси, юмушлари бор. Аҳиллик ва чаққонлик билан ишларини бажариб бўлган болажонлар, кечқурун бобожонлари атрофини ўраб олишади. Ҳар бирининг бобосига аталган саволлари, тингламоқчи бўлган эртаклари, ҳикоялари бор. Чулдираб,



Ашур АҲМАД

ҲИКОЯ

Хаёллар исканжасида Асъад ҳозир қаерда ўтирганини унутиб қўйган эди. Эс-ҳуши уйдаги бувиси, аччиғи ёмон дадаси ҳамда уч ёшдаги йиғлоқи синглисида эди.

— Асъад!

Асъад чўчиб ўрнидан турди.

— Икки сон айирмасининг куби нимага тенг?

Асъад ўзининг мактабда — математика дарсида экани эсига тушиб муаллимнинг саволига жавоб бера олмади.

Ўқитувчи кўзига чақчайиб «лом» дея олмай, тик турган Асъадга қараб бир дақиқа тур-ди. Ва охири мулойим паст овозда «ўтир» деди.

Асъад бугун ҳам мактабга нонушта қилмай келган эди. Математика муаллимидан дакки емаганига хурсанд бўлиб доскага кўз тикди. Катта кичик тирноқлар, узун, қисқа радикаллар қаттиқ оғриётган кўзига ажойиб кўринди, доскага қарайверишга бардоши етмади. Шунда у муаллим доскага юзланган пайтда фойдаланиб, олдидаги партада ўтирган партадошининг чиройли олинган сочига қараб, ўзининг ўсиб қулоғини ёпган сочини бармоқлари билан тараган ҳолда ўйланиб қолди: «Онам уйда бўлганда мен ҳам сочимни ана шундай чиройли қилиб олган бўлар эдим...»

Онасини эслаш билан ярим йилдан буён уни азоблаб келаётган бир воқеа кўз олдида намоён бўлди:

Асъад ичкаридаги уйда ўтириб ўзи боғчасидан етаклаб келган синглисига қараб ўтириб уй вазифаларини ишлаётган эди. Дадаси, Қосимтўнг ташқари уйда ўтириб тамаки чекаётган эди. Ишдан қайтган онаси эшикдан кирибоқ Асъаднинг дадасига қараб бақирди:

— Бу уйми, оғилми?

— Ит билан тутган уйни оғил деса ҳам бўлади. Қандай?

— Ҳа?! Мени ит деяпсанми? Ўзинг итсан! Ҳув, афтидан муз ёғдирган тўнг банги.

— Қоч...

— Сен...

Жанжал катта бўлди. Асъаднинг онаси қўни-қўшниларнинг насиҳатига, Асъаднинг ёлворишларига қулоқ солмай, бир бўғча кийим билан қизини олиб, уйдан чиқиб кетди. Эр-хотин орасидаги жанжал бундан илгари ҳам кўп марта юз берган. Асъад ажратиш мақсадида бир оғиз гапиргани учун онасидан дашном эшитган, дадасидан калтак еган, кейинчалик аралашмай бўйнини қисиб, бир четда қараб турадиган бўлган эди. Мана, энди уни азоблайдиган жанжал-можаро тугади, аммо, онаси шу чиқиб кетганча йироққа, жуда узоққа кетди...

Асъад ярим йилдан буён дадаси Қосимтўнг билан яшаяпти. Қаттиқ нон, қуруқ чой... Баъзи чоғларда қаттиқ нон ҳам йўқ! Ўтган куни Қосимтўнг кеч келмади. Асъад ўзи овқат қилди. Бугун кечда дадаси келармикан, ёки кеча қилган овқатни иситиб ейишга тўғри келармикан?..

Қаттиқ жиринглаган қўнғироқ садоси Асъаднинг хаёл ипини узиб юборди. Болалар муаллимнинг кейиниданоқ ташқарига югуришди. Асъад бўлса бу бир соатлик дарсдан ҳеч нимани тушунмаганига афсусланиб, ўтириб қолди.

Кичкина стулда ўтириб, картошка арчаётган Асъад тўсатдан келиб тушган тарсакидан йиқилиб тушди.

— Сан харомтомоқни нима қилсам бўлади? — Қосимтўнг кўзини олайтириб бақирди. Асъаднинг кўзидан ўт чақнагандек бўлди. Қосимтўнг унинг кетига тепди, ёқасидан тортиб, силкиб турғазди. — Сен мактабда нимани ўқидинг? Тўртта фандан ўтолмаган бола ҳам борми? —Еган ош-нонга лойиқ ўқий дейишни ҳам билмайсанми? Гапир дейман, итнинг боласи!..

Қосимтўнг Асъадни гоҳ сўкиб, гоҳ уришиб пўписа қилиб, қўли оғриб чарчагандан кейин тинчиди...

Эртаси эрталаб мактабга кетган Асъад кечда қайтиб келмади. Унинг эртасига ҳам келмади. Охири дадаси уни излаб мактабга борди. У синф раҳбари билан мактаб майдонида учрашиб, Асъаднинг мактабга келмаганига икки кун бўлганини укди-да, муаллим билан жанжаллашди:

Уйдан мушук йўқолса ҳам излаймиз-ку? Болаларнинг келган-келмагани билан умуман ишингиз йўқ, шекилли?

— Қосим ака...

Қосимтўнг муаллимга гап бермай уни сўка бошлади.

— Сиз бола ўқитаман дегандан кўра пода боқсангиз бўларди, — Қосимтўнг тамаки қутисини олиб, тамаки ўрашга қоғоз йиртаётганда муаллим гап бошлади:

— Қосим ака, камчилик бизда ҳам бор, лекин...

— Лекин-пекинини қўйиб, боламни топинг!

— Майли, бироқ...

— Бола илгариги кун мактабга кетганди... Менинг биладиганим шу. Сиз дарҳол болани топинг. Бўлмаса... — Қосимтўнг тилини учига келган гапни ютиб юборди-да, ўраган тамакисини тутантириш учун гугуртни ғазаб билан ёндириб, олдикетига қарамай мактабдан чиқиб кетди.

Саҳардан бери ўти ёқилмаган уй Қосимтўнгга кўчадан баттар совуқ, бўрон қучаётгандек туюлди. Керакли нарсаларнинг бетартиблиги, ерга ташланган қоғоз парчалари тамаки қолдиқлари унинг бузилган кайфиятини баттар кучайтирди...

— Итнинг боласи! — Қосимтўнг шундай деди-да, ўрнидан даст туриб, ташқарига чиқди.

(Давоми тўртинчи бетда).

ШОИРЛАР — БОЛАЛАРГА

Қамбар ОТА.

ТОНГ

Тонг отар, тонг отар,
Оппоқ тонг отар.
Майин тонг нурлари
Тангларга ёқар.
Тонг куннинг аввали —
Куннинг қаймоғи.
Эҳ, ўтиб кетар тез
Қийин қайтмоғи.
Ухласанг ғафлатда
Дўстим донг қотиб.
Қўясан бир ажиб
Тонгни йўқотиб.
Бош ушлаб қоласан
Чала кун билан...
Бил, бутун кунлардан
Улуғвор Ватан.

Дўстим ҳунаким замон

Дўстимни анча пайт
Кўрмаган эдим.
Тузукроқ бир суҳбат
Қурмаган эдим.
Соғинчи ҳеч тинчлик
Бермай юракка.
Саҳарда йўл олдим
Тоғли қишлоққа.
Атрофни тўсатдан
Туман қоплади.
Хаёлимни хира
Гумон қоплади.
Алвидо! Дўстимни
Кўрмоғим қийин.
Уйлардим, бўрилар
Еб кетар, тайин.
Тўсатдан дилимга
Зўр ишонч елди.
Танимга дўстликнинг
Қудрати келди.
Мен қандай одамман,
Дўст деган пайтда.
Туманни парчалаб
Кетмасам шартта!!
Йўл олдим мардларча,
Дилда дўст, дедим.
Қалбимга чин дўстлик
Қарзин уз, дедим.
Ҳар қандай туманда
Топиб бораман.
Керагида дўстга
Чопиб бораман.
Туманда адашиб
Ўр-қирдан ўтдим.
Охири дўстимнинг
Уйига етдим.
Бағримга қуёшдай
Қучганим замон.
Тамоман тарқалиб
Кетганди тўман.

Алпомиш ҳақида қўшиқ

Алпомиш, Алпомиш,
Алпомиш бобом.
Сиз каби паҳлавон
бўлмоқ муддаом.
Барчиной бувимни
эсга оламан.
Бойчибор отингиз
излаб қоламан.
Хаёлим оғади
камолингизга.
Мангудир мардликни
қолдирган мерос.
Сизгадир муҳаббат,
сизга зўр ихлос.
Алпомиш бобожон
юртпарвар ботир,
Халқ севган қаҳрамон
ҳамда баҳодир.

Чевар

Кўйлакларнинг этагига
Гул экар.
Ипак ипдан ёқасига
Гул тикар.
Кашта чатар сўзанаю
Бэлқарсга.
Дўпписидан мўралайди
Ой аста.
Чевар қизнинг қойил касбга
Меҳрига.
Юраклар ром игнасининг
Сеҳрига.

НИГОРАХОН!

8 ёшга тўлишинг билан сени қалбимизнинг энг чуқур меҳри билан муборакбод этамиз. Доимо ҳаётингда қувноқ кайфият, бахт, омад, соғлиқ сенга ҳамроҳ бўлсин!

Отанг, онанг, опанг Дилором, аканг Илҳом.

Самарқанд вилояти, Иштихон шаҳри.

ДАВРОНОВлар оиласи.

Азиз фарзандимиз Фахриддин!

Биз сени туғилган кунинг билан табриклаймиз! Сенга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, ўқишларинг доимо аъло бўлишини тилаймиз. Барча орзуларинг рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

Даданг, аянг, опанг ва уканг.

Андижон вилояти, Бўз тумани, Навоий номидаги жамоа хўжалиги. Қурбоновлар оиласи.

Табриклаймиз!

КЎЧАДА ҚОЛГАН БОЛА

(Бошланиши учинчи бетда).

У дўкондан бир шиша ароқ олди. Уйга қайтгандан сўнг уни пиёлага қуйиб икки мартадан ичиб тугатди-ю, ёнбошлаганча уйқуга кетди.

У эртаси тушга яқин уйқудан туриб, тўғри мактабга борди.

— Асъадни бугун топдик. Қосим ака, — деди муаллим Қосимтўнгни ўтиришга таклиф қилиб. — Бошқа мактабдаги бир дўстининг уйида экан.

— Мактабга нимага келмабди у шум?

— Қосим ака, — деди муаллим сал жиддийлашиб. — Болани урушмай, чиройли тарбиялаш керак. Мен ота-оналар мажлисида чораклик имтиҳон натижасини эълон қилгандан кейин паст баҳо олган болаларнинг ота-оналарини алоҳида огоҳлантирган эдим. Уларнинг ичида сиз ҳам бор. Бола паст баҳо олса сўксак, урсак бўлмайди. Агар сиз Асъадга чиройли тарбия берган, мулойим насиҳат берган бўлсангиз, уйдан кетмаган, мактабдан қочмаган бўларди.

Қосимтўнг муаллимнинг сўзига луқма ташлади:

— Мен унга ош-нон бераётган дадасиман. Бир жойга борса менга айтиб кетиши шартку! Индамай йўқолса...

— Ҳафа бўлманг, Асъад синфимиздаги ювош, ақлли, хулқ-атвори яхши болаларнинг бири. У уч кун дарсга қатнаша олмади. Биз уни етишиб олишига кўмаклашамиз.

Муаллим билан Қосимтўнг орасидаги суҳбат дарсга кириш қўнғироғидан кейин оз ўтмай коридордан келаётган шовқин овози билан бўлинди. Муаллим Қосимтўнгни коридоргача кузатиб қўйди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, бир бола ичкарига югуриб кириб келди-да:

— Муаллим, майдонда Асъадни дадаси тутиб олиб, уриб кетди. Ажрата олмадик... — деди.

Асъад ўзи туғилиб ўсган шаҳар, уйи, мактабни ташлаб, қочиб чиққанига икки кун бўлди. Мана бугун у ҳаётида келиб кўрмаган бир шаҳарнинг кўчасида тентираб юрибди. Ҳаво совуқ, қор учқунлаяпти. Кун тунга яқинлашиб қолган бўлса ҳам Асъад эрталабдан буён туршакчалик бир нарсани оғзига олгани йўқ. У оқшом автовокзалдан бир йўловчи берган ярим нонни кўриб, кутиш залида бир кечани дийдираб ўтказганини, шунча қалин кийинган бўлса ҳам оч қорин бўлгани учун совуқ қотаяпти, ич-ичидан титрамоқда.

У кўчанинг ўнг тарафи билан кетаяпти. Қаерга бориши, эндиги кунни қандай ўтказишини билмайди. Чунки у уйидан 500 км. узоқликдаги бир шаҳарга, бир шофёрга ялиниб, ёлғон гапириб келиб олди. Яна қайси шофёрга ёлвориб, кимларга сарғайиб онаси бор шаҳарга борар. У онасини эслади: «Онамнинг бағри намунча қаттиқ экан? Дадам онамни бағритош деб сўкарди. Рост шекилли?».

Асъад дадасини эсга олиш билан ихтиёрсиз сесканди. Бундан уч кун илгари, синфдошлари олдида дадасининг тутган иши, урган, сўккани юрагига урнаб қолган эди: «Хув ер ютгур шум! ... Ўғри! Киссавур!..» Қосимтўнг у куни бир-икки тарсаки, бирор мушт билан жаҳлини тушириб қойиган бўлса, Асъад синфдошларининг сўзига кириб, уйига қайтган бўлар эди. Бироқ, дадаси уни сўкиб, уриб синфдошлари олдида бош кўтармайдиган ҳолга туширди. У даҳшатли сўзлар ҳозир ҳам унинг қулоқлари остида жаранглаб, қалбини тирнамоқда...

У бурни ачишгандек бўлиб, бақириб йиғлаб юборишига оз қолди. Хаёллари чувалашди. «Онам, дадам нимага турмуш қуришган экан? Мени нимага дунёга келтиришган экан? Онам мени ўйлармикан? Дадам ишини қўйиб мени излаётганмикан? Ёки кўчада бошпанасиз ўлиб қолишимни тилашармикан?.. Рост. Ўлиб кўя қолай!.. Ўлиб, хотиржам бўлай..»

Асъад ўлишга қарор қилди. Лекин кўчада қолган болага ўлиш учун кинотеатрлардаги мисол ўзини ташлайдиган денгиз, дарё қаерда дейсиз? Заҳарли дори ичай деса уни қаердан топади? Бозорда бор бўлса ҳам унга пул керак! Асъадда бўлса бир тийин ҳам йўқ... У «ўлишни» бунча қийинлигидан хўрсиниб, нишонсиз, қадамларини аста ташлади. Улимнинг осон, оддий йўллари ҳақида бош қотирди: «Тўғри, бинодан ўзимни ташлай!» У бундан осон чорани ўйлаб топганига ич-ичидан хурсанд бўлди ва шу пайтда йўлнинг икки четига назар ташлади. Лекин бу катта кўча бутунлай бир-икки қаватли иморатлар орасидан олинган бўлиб, киши устидан сакраса шубҳасиз ўладиган тўрт-беш қаватли биноларни топиб бўлмайди. «Рост, — деди Асъад ичида, — автовокзалнинг олдидаги бино баланд!»

У дарҳол ортига қайтмоқчи бўлди. Бироқ у баланд бинонинг олдидаги темир панжарали катта дарвоза ёнида турган қуролли аскар эсига тушиб яна иккиланиб қолди: «Эшикдан қандай кираман? Бино устига чиқишга рахсат беришармикан?.. Эссиз, кеча тоғ орасидаги йўлда тушиб қолиб тоғнинг устига чиқиб пастга ўзимни отсам бўлар экан?»

Бу чоғда велосипедлик, пиёда кетаётган кишилар кўпайиб қолди. Бу ҳол ишчи, хизматчиларнинг тушлик дам олиш пайти бошланганидан дарак берарди. Велосипедликлар тўхтамай қўнғироқни босишарди. Пиёдалар тез-тез қадам ташлаб кетишарди. Улар уйларига тезроқ бориб, болаларига тушлик овқат қилиб беришга шошилаётганлар. Мана, катта кўчада беш ўнтадан тўпланишиб кулги-ҳазил, шов-шув қилиб ўқувчилар пайдо бўлишди. Ана қизил галстукли бир тўп болалар Асъадга қараб келмоқда. Бир-бирларидан чиройли, покиза кийинган бу болалар ғам-ғуссасиз бўлишгани учун кўчани бошларига кўтариб кулишмоқда. Ўрмонлардаги эркин қушлардек чуғурлашади...

Шу орада Асъаднинг орқа тарафида пайдо бўлган яна бир тўп катта болалар — ўрта мактаб ўқувчилари унга етишиб олишди. Улар бошланғич мактаб ўқувчиларидек чувиллашмасдан паст овозда гапиришиб келмоқдалар.

Асъад эшитиб қолди:

— Мен ҳам медицинада ўқисам дейман. Онам доим: «Дўхтир сени ўлимдан қутқарган. Сен ҳам дўхтир бўл...» дейди.

— Мен ўқитувчи бўламан...

Асъад қадамини тезлатиб, уларга эргашиб кета бошлади. Уз вақтида унинг ҳам энг яхши орзуси бор эди. У химия дарсига алоҳида иштиёқ боғлаган. Бу дарсни берилиб, кўнгил қўйиб, пишиқ ўрганган. «Катта бўлсам, химия олими бўламан» деган буюк истак унинг ёш қалбини энг чуқур қатламига маҳкам битилган эмасмиди?...

Шум тақдир бу ғоялик ўғилни ўз мақсадига етказадиган мактаб қўйнидан бевақт айирди. Айирганда ҳам шундай осон, шундай тез айириб, шундай йироқлатдики, шаҳар кўчасига саргардон қилиб ташлади.

Асъадга ҳалиги катта ўқувчиларнинг сўзлари таъсир қилди шекилли, ўйланиб қолди: «Улар айтганларидек ўз орзуларига етарларми? Балки етар, балки йўқ. Лекин улар яшашни, улуғ ишлар қилишни дилларига маҳкам тугишибди. Дўхтир бўламан деган бола ўлим олдидаги кишига ҳаёт ато қиламан деяпти. Бу ҳақиқатда олийжаноблик, яхши фазилат. Мен-чи? Ўлмоқчиман. Ўлаймикан?... Йўқ! Мен соғ-саломат, соғ эканман, менга ҳам ҳаёт йўли топилиб қолар...»

У ҳалиги болаларга эргашиб боргач, катта кўчага қарайдиган эркин бозорнинг нақш чиқариб ишланган дарвозасининг олдидан чиқиб қолди. Асъад дарвозанинг нақшларига қараб бироз тургач, бозор ичига кирди. Бу чоғ туш пайти бўлганидан бозор роса қизиган, одамлар кўпайган эди. У ҳаёт учун курашаётган ана шу одамлар орасига кириб ғойиб бўлди...

Тонг

Бош муҳаррир: Акром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати: В. ФАЙЗУЛЛАЕВ, Т. ЭШБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), А. КУЧИМОВ, М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Т. КАРИМОВ, М. ПИРМАТОВ (масъул котиб).

Таъсис этувчи:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ.

Бизнинг манзилгоҳимиз: ТОШКЕНТ ШАҲРИ. ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Маълумот учун телефон: 32-54-21

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБААЧИЛИК КОНЦЕРНИНИНГ БОСМАХОНАСИ.

Тошкент шаҳри. 700083, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Чоп этиш вақти — 18.00.

РЎЗНОМА ҲАФТАНИНГ ЧОРШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

Рўзнома 346700 нусхада чоп этилди. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10